

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАОЛ ДИПЛОМАТИЯСИ: жадал мулоқотдан аниқ натижаларгача

Бошланиши 1-бетда

Юқори даражадаги фаол сиёсий мулоқотни ривожлантириш жараёнида ҳам шунга ўхшаш тенденция кузатилди. Йил давомида Ўзбекистоннинг юқори даражадаги делегациялари сайёрамизнинг деярли барча муҳим минтақаларини қамраб олган ҳолда 93 давлатда 172 марта хизмат сафарида бўлди. Халқаро кун тартибини тўлдиришда вазирликлар, идоралар ва минтақавий маъмуриятлар вакиллари ҳам муҳим ўрин эгаллади. Улар дипломатик миссиялар кўмағида 50 дан ортиқ мамлакатга 300 га яқин хизмат сафарини амалга оширди. Бу эса ташқи алоқаларини амалий йўналтирилган даражага олиб чиқиш имконини берди.

Ўзбекистон фаол меъдон сифатида жаҳон дипломатияси марказларидан бирига айланди. Юртимизда Жаҳон парламентлараро иттифоқи, БМТ фуқаролик хизмати, ЮНЕСКО Бош конференцияси, Халқаро иқлим конференцияси, минтақа мамлакатларининг Тошкент саммити ва бошқа қатор йирик анжуманлар ташкил этилгани ҳам буни яққол тасдиқлайди. Мамлакатимизга 120 дан ортиқ юқори даражадаги хорижий делегация, чет давлатларнинг 300 га яқин минтақавий бошқарув органлари делегацияси келди. Ушбу мулоқотлар ҳудудлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш, ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан тўғри алоқалар йўнатиш ва ўзаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтиришга хизмат қилди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий стратегиясида Марказий Осиё анъанавий равишда алоҳида ўрин тутади. 2025 йилда ушбу устувор йўналиш янада институционал ривожлантирилди. Мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувига раислик қилди ва раислик биринчи марта алоҳида комплекс дастур асосида амалга оширилди. Унинг доирасида иқтисодий ҳамкорлик, транспорт боғлиқлиги, экология, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва гуманитар алмашинув масалалари қамраб олинди.

Йигирмадан ортиқ йирик тadbир ўтказилиши ҳамда Тошкентда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг тарихий саммити минтақавий дипломатиянинг йил якуни бўлди ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг ишончини чуқурлаштириш ва биргаликда ривожланишга интилишини тасдиқлади.

Бугун биз кенг минтақамиз узоқ вақтдан буён биринчи марта жаҳон сиёсатининг яхлит, тўлақонли субъектига айланмоқда деб ишонч билан айта оламиз. Халқаро ҳамжамиятнинг эътибори тобора ортиб бораётгани, глобал майдонда минтақага муносабат ўзгаргани шундан далолат беради. “Марказий Осиё плюс” форматларининг ривожланиши бунга ёрдамчи бўлди. Улар 2025 йилда янгича, аниқ амалий мазмун билан бойиди. Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, АҚШ ва Япония билан саммитларнинг ўтказилиши

минтақанинг глобал сиёсатдаги роли ошганини яққол кўрсатди ҳамда унинг барқарорлик, прогноз қилиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизми сифатидаги мавқенини мустаҳкамлади.

Унинг географиясини янада кенгайтириш 2025 йилдаги ташқи сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлди. МДХ, Европа ва Осиёдаги анъанавий шериклар билан бир қаторда Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Африка ва Жанубий Америка мамлакатлари билан алоқалар фаоллашди. Словакия, Сербия, Иордания, Парагвай ва бошқа қатор давлатлар билан тарихда ilk бор олий даражадаги икки томонлама тadbirlar ўтказилгани Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги иштироки изчил кенгайиб бораётганидан далолат берди.

Осиё мамлакатлари етакчиларини бирлаштирган “C5+1” форматидagi саммитнинг муваффақиятли якунлари бу борада муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг ушбу форматдаги роли халқаро экспертлар ва сиёсатчилар томонидан минтақавий ҳамкорликнинг асосий ташаббускори ва АҚШнинг барқарор ривожланиш, хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларида масъулиятли ҳамкори сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишидаги иштироки ҳам муҳим воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбарининг бош халқаро минбардаги нутқи мамлакатимизнинг кўп томонламалик, тинч мулоқот ва долзарб глобал муаммоларга



Натижада республика дипломатик алоқалар олиб бораётган мамлакатларнинг умумий сони 165 тага етди.

Шу нуқтани назардан, 2025 йилда Ўзбекистоннинг халқаро ҳаётида мамлакатнинг ташқи сиёсий позициясига стратегик таъсир кўрсатган воқеалар алоҳида аҳамият касб этди. Европа Иттифоқи билан кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ҳамда Президентимизнинг Брюсселга ташрифи ЕИ билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини кўрсатди. Хужжат сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва барқарор ривожланиш, “яшил иқтисодиёт” ва рақамлаштириш соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Шунингдек, европалак ҳамкорлар томонидан Ўзбекистондаги исоҳотларга берилган юқори баҳонинг ифодаси бўлди.

Жаҳоннинг асосий куч марказлари билан ҳамкорлиқни кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўлини давом эттирган ҳолда Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларини изчил ривожлантириб келмоқда. Ноябрьда Вашингтонда АҚШ ва Марказий

биргаликда ечим топиш тамойилларига солиқилгани яна бир бор тасдиқлади.

2025 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан мамлакатнинг барқарор ривожланиш, минтақавий хавфсизлик ва гуманитар ҳамкорлик соҳасидаги устувор йўналишларини акс эттирувчи тўртта резолюция қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг қатор нуфузли органларига сайлангани халқаро ҳамжамиятнинг унга ишончи ортиб бораётганидан далолат.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқандда ўтказилгани йилининг тарихий воқеаси бўлди. Ушбу форум сўнгги қирқ йилда биринчи марта Париждан ташқарида ўтказилди. Бу эса Ўзбекистоннинг маданий, тарихий ва цивилизация аҳамиятини мисли қўрилмаган эътирофидир. Самарқанд бир неча кун давомида таълим, фан ва маданият масалалари бўйича глобал мулоқот майдонига айланиб, мамлакат ташқи сиёсатининг гуманитар йўналиши ва унинг цивилизациялараро ҳамкорлик марказларидан бири сифатидаги имижини мустаҳкамлади.

Фаол сиёсий дипломатия билан бир қаторда, 2025 йилда иқтисодий дипломатия жадал ривожланиб, ташқи сиёсатнинг асосий воситаларидан бири сифатида узил-

кесил қарор топди. “Ташқи ишлар вазирлиги — дипломатик ваколатхоналар — тармоқ идоралари — ҳудудлар” шаклидаги тизимли ишлар хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди. Йилининг ўн ойида дипломатик миссиялар кўмағида 34,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги халқаро молия институтлари ва рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳоланди. 2025 йилда “Fitch Ratings” ва “S&P” агентликлари Ўзбекистоннинг суверен рейтингини “BB-” даражасидан “BB” даражасига кўтарди, “Moody’s” агентлиги эса прогнозни “барқарор”дан “ижобий”га ўзгартирди. Бу эса мамлакат иқтисодиётига ишончининг ўсиши ва амалга оширилаётган исоҳотларнинг барқарорлигидан далолат беради.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг фаоллашуви ташқи савдо кўрсаткичларининг ўсишига ҳам ёрдам берди. 2025 йилининг ўн бир ойида ташқи савдо айланмаси ҳажми 72,7 миллиард доллари, экспорт эса 30,8 миллиард доллари ташкил этиб, ўтган йилининг шу даврига нисбатан 6,6 миллиард доллар ошди. Ташқи савдода салбий салёдонни сезиларли даражада қисқартириш дипломатик ваколатхоналарнинг бозорларни диверсификация қилиш ва маҳаллий маҳсулотларни хорижда илгари суриш бўйича мақсадли ишларнинг натижаси бўлди.

2025 йилда мамлакатнинг ижобий халқаро имижини шакллантиришда туризмнинг “юмшоқ куч” элементи сифатида ривожланиши муҳим ўрин эгаллади. Ўн бир ойда мамлакатга 10,7 миллион хорижий сайёҳ келган. Статистик маълумотларга кўра, ҳар ойда Ўзбекистон 1 миллиондан ортиқ чет эллик фуқарони меҳмон қилди. Халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиш, хорижда кенг қўламли тақдимот тadbirlari ва Тошкентда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи туризм форумининг ўтказилиши Ўзбекистоннинг минтақадаги энг истиқболли сайёҳлик йўналишларидан бири сифатидаги мавқенини мустаҳкамлашга хизмат қилди.


Ўтган йилда ташқи сиёсатнинг муҳим инсонпарварлик ўлچови бўлган Ўзбекистон фуқароларининг хориждаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилди. 2025 йилининг январь — сентябрь ойларида 385 мингдан ортиқ консуллик ҳаракати амалга оширилди, ноқонуний олиб қўйилган ҳужжатлар қайтарилди, иш ҳақи бўйича қардорлик ундирилди, ватандошларни Ватанга қайтариш дастурлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, рақамли консуллик хизматлари такомиллаштирилди. Ўзбекистон фуқаролари учун визасиз ва соддалаштирилган кириш географияси кенгайтирилди, диспаларлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Шундай қилиб, 2025 йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ташқи сиёсати юқори даражадаги етуклик, изчиллик ва натижадорлиқни намойиш этди. Мамлакат нафақат халқаро майдонда ўз мавқенини мустаҳкамлади, балки ички ривожланишга кўмаклашди, инвестициявий жойбадорлиқни ошириш ва фуқароларнинг турмуш сифатини яхшилаш учун дипломатик воситалардан ҳам фойдаланди. Ўзбекистон йилни кенгайган шериклик тармоғи, мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база ва келгуси мақсадларни аниқ тасаввур қилиш билан якунлади, дунё учун очик ва келажакка ишонч билан қарамоқда.

“Дунё” АА

Акс садо

Ўзим шахсан 2017 йилдан бери Ўзбекистонга тез-тез бориб тураман. Ҳар борганимда мамлакат ичидаги ўзгаришларни яқиндан кузатиш имконига эга бўлмоқдам.



БИНАЛИ ЙИЛДИРИМ: ТУРКИЙ ДУНЁ ИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН БОР ЭКАН, ИСТИҚБОЛ САРИ ИШОНЧЛИ ИЛДАМЛАШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ

Бошланиши 1-бетда

Бошлангичда баъзилар томонидан шубҳа остига олинган бўлса-да, ўрта ва узоқ муддатда мазкур оқилона қарорнинг яққол натижалари кўзга ташланди. Иқтисод барқарор юксалиб борди, инвестициялар миқдори ортиди, глобал даражадаги инвесторлар сони юксалди, мамлакатга келиб-кетувчи меҳмонлар-туристлар кескин кўпайди.

Ўзбекистон — дунёга очик бир мамлакатга айланди. Рақамлар билан мисол келтирадиган бўлсак, киши бошига миллий даромад 1700 доллардан қарийб 4000 долларгача юксалганини кўряпмиз. Ялпи ички маҳсулот эса, 70 миллиард доллардан 145 миллиарддан юқори рақамларгача етди. Ўзбекистонга келётган туристлар сони аввалги 2 миллионлардан кескин юксалиб, бугун 10 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этмоқда. Буларнинг барчаси — мазкур улугвор гоёнинг, Янги Ўзбекистон йўлининг ёрқин натижаларидир.

Ўзим шахсан 2017 йилдан бери Ўзбекистонга тез-тез бориб тураман. Ҳар борганимда мамлакат ичидаги ўзгаришларни яқиндан кузатиш имконига эга бўлмоқдам. Қувончларим, Ўзбекистон глобал сармоядорларга ўз эшикларини очгандан сўнг йиллик инвестициялар аввалги бир миллиарддан бугун ўнлаб миллиард долларларга етди. Бу нимани аңглатади? Бу янада кўпроқ иш ўринлари, иқтисодга янги технологияларнинг кириб келиши, иқтисоднинг ўсиши натижасида халқ фаровонлигининг янада ортиши деганидир.

Ўзбекистон салоҳияти жуда юксак. Аминманки, келгуси йилларда ҳам исоҳотлар бардавонлиги билан мамлакат мазкур имкониятни юзага чиқаришда давом этади.

Бугун Туркий давлатлар ташкилотимиз ичида аҳоли сони энг жадал ўсиб бораётган мамлакат йиллик қарийб 1 миллионлик юксалиш (туғилиш) билан Ўзбекистон



ҳисобланади. Инсон — энг катта бойлиқдир. Мол-мулкнинг, моддий бойлиқларнинг бугун бор, эртага бўлмаслиги мумкин. Аммо инсон ресурслари — ҳеч қачон йўқолмайдиган энг қадри бойлик саналади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг туркий дунёга қўшаётган ҳиссасини қўриб турибмиз. Туркий дунё ичида Ўзбекистон бор экан, истиқбол сари ишончли қадамлар билан илдамлашда давом этамиз.

Ушбу фикр-мулоҳазалар қанотида яна бир бор Президент Шавкат Мирзиёев Жанобий Олийларини ва қардош ўзбек халқини Янги йил муносабати билан самимий қутлайман. Ҳурматли Президент томонидан илгари сурилган гоё ва ташаббуслар учун туркий дунё номидан, Туркий давлатлар ташкилоти Оқ-соқоллар Кенгаши раҳбари сифатида чуқур миннатдорчилигини билдираман.

Яшасин Ўзбекистон! Яшасин туркий давлатлар ва туркий дунё қардошлиғи!

“Дунё” АА,
Анқара шахри

Муносабат



Содиқжон ТУРДИЕВ,
“Нуроний” жамғармаси
республика Бошқаруви раиси,
сенатор, Ўзбекистон
Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида “Олдимизга қўйган мақсадларни фақат ўзимиз — катта ҳаётини тажрибага эга маҳалла раислари ва фаоллари, ҳурматли нуронийларимиз, опа-сингилларимиз, сергайрат ёшларимиз, зиёлиларимиз, ишбилармон тadbirkorларимиз, Ватан посбонлари, бир сўз билан айтганда, бугун

БУГУНГИ КУН ҚАДРИНИ НУРОНИЙЛАРДАН СЎРАНГ

халқимиз билан биргаликда амалга оширамиз”, дея халқимизнинг бугунги исоҳотлардаги ўрни ва ролини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги тўққиз йилда мамлакатимиз ҳаётида шу қадар ривожланиш ва юксалишлар содир бўлдики, кўп йиллар синовларини кўрган биз нуронийлар бу ўзгаришларга осонлик билан етиб келмаганимизни яхши биламиз. Халқимиз оддий маиший муаммолар гирдобиди қанчалар қийналган, тadbirkorликни бошлаш, уй-жойли бўлиш, ўғил-қизларни илмли-маърифатли қилиб, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш осон бўлмаган йилларни бошдан кечирдик. Минг шукрки, бу муаммоларнинг барчаси Президентимиз раҳбарлигида босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган исоҳотлар туфайли ҳаётимизга янги замон руҳи кириб келди, шахар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, бутунлай янги, замонавий қиёфага кирди. Одамларнинг ҳаёти ҳам, дунёқарashi ҳам ўзгарди.

Халқимиз фаровонлигини ошириш, тadbirkorликни ривожлантириш учун яратилаётган шароит ва имкониятлар, хорижий давлатлардан кириб келётган инвестициялар туфайли энг чекка қишлоқларда ҳам янги иш ўринлари очилди, ҳамюртларимизнинг турмуш шароитлари яхшиланди. Барча соҳаларга янги технологиялар кириб келяпти. Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилипти.

Оғир ва машаққатли йиллар синовларидан ўтган кексалар бугунги неъматлар, тинчлик-осойишталик қадрини ва бунга эришиш осон бўлмаётганини яхши билади.



Аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадида олиб борилаётган исоҳотлар натижасида ўтган йили ҳамюртларимизнинг 5 миллион нафари даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушгани, қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиққани, ilk бор 1435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлангани ҳам сўнгги тўққиз йилдаги исоҳотларнинг халқимиз ҳаётидаги ифодасидир.


Шу ўринда мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, ушбу исоҳотларни ҳаётга таъбиқ этишда юртимиз нуронийлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўтган тўққиз йил юртимиз фахрийлари, кекса нуронийлар ҳаётида ҳам туб бурилиш йиллари бўлди. Мамлакатимизда кексаларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга

эъзоз ва ғамхўрлик кўрсатишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани нуронийларни янада руҳлантирди. Натижада кексаларимиз бугун “маҳалла еттилиги” билан ҳамқдам, фаол ва ташаббускор кучга айланди.

Нуронийлар билан суҳбатлашсангиз, “Президентимиз маҳаллаларда аҳиллик, ҳамжиҳатлик муҳитини асрашда, ёшларнинг тарбиялашда юксак ишонч билдириб, биз — нуронийларга шундай шароит, имконият ва ваколатлар бердики, энди бизнинг ишлайдиган, ўзимизни, билимимиз, тажрибамиз ва маҳоратларини кўрсатадиган давримиз келди”, — дейишмоқда. Бугун ҳар бир маҳаллада “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, “Бувижонлар мактаби”, “Нуронийлар ва ота-оналар кенгашлари” фаолият олиб борапти.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тadbirlari тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил 15 мартдаги “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт даражасини оширишга доир қўшимча чора-тadbirlari тўғрисида”ги қарорлари билан жорий этилган “Бир нуроний — ўн ёшга масъул” тамойили асосида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ўзига хос умуммиллий ҳаракатга, қадриятлар тантанасига айланди. Мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида нуронийлар ҳар йили 10 нафардан муаммоли, ишсиз ва тарбияси оғир ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаб, жамиятда ўз ўрнини топишга, олий ўқув юртларида таълимни давом эттиришга, ишга жойлашиб, даромадли бўлишга кўмаклашмоқда. Шунингдек, нуронийлар “Камбағалликдан фаровонлик сари” умуммиллий ҳаракатида ҳам фаол иштирок этаётди.

“Нуроний — ҳар бир оилага масъул” тамойили асосида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида бугунги кунда нуронийлар ёрдами билан ажрим ёқасига келиб қолган қўллаб оилалар яраштирилди.



МИЛЛАТ БАХТИНИНГ ЙЎЛ ХАРИТАСИ

ёхуд Президентимиз Мурожаатномасини ўқиб...



”

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор



“БИЗ ЎЗГАРИШЛАРНИ КУТИБ ЯШАМАЙМИЗ, АКСИНЧА, УЛАРНИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИМИЗ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ МЕХНАТИМИЗ БИЛАН ЯРАТАМИЗ”. УШБУ САТРАРНИ ЎҚИГАНДА ХАЛҚИМИЗ БОШҚАЛАРГА ЭРГАШГАН ЭМАС, ЭРГАШТИРГАНИ ЭСГА ТУШАДИ. БЕИХТИЁР ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ “ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТАР ОДАМ, ГОЙИБДАН КЕЛАЖАК БАХТ БИР АФСОНА”, ДЕГАН САТРАРИ ЭСГА ТУШАДИ. ВА АЛБАТТА, ҲАР БИРИМИЗ ИШГА БОРАЁТГАНДА, ЕНГИЛ АВТОМОБИЛИМИЗ, ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР ОЙНАСИДАН ҲАР КУНИ КЎРИБ-КУЗАТАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ ЭСЛАЙМИЗ.

”

Бошланиши 1-бетда

Эришилган натижалар салмоғи, янги ғоя ва ташаббусларнинг қўлами, муддати, шиддати халқимизнинг завқига завқ қўшмоқда. Бунинг ижтимоий тармоқларда, тўй-томоша, кўча-кўйда, ОАВда одамлар очик айтаётти. Қолаверса, бу натижа, ташаббус ва янгиланган мазмун-моҳиятнинг халқимиз, айниқса, ёшларимиз оғни ва қалбига жойлаш ҳар бир зиёлининг муҳим вазифасидир.

Йил номининг меҳриғиёси

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши халқчил сиёсатнинг мантикий давоми бўлди. Йил номида чўқур маъно мужассам. Таҳлил қилсак, бу ном янги Ўзбекистон тараққиётининг чўқур маънавий-ижтимоий маъносини очиб берувчи концептуал код, механизм эканлигини кўрсатди.

Маҳалла сўзи араб тилидаги “маҳал”, яъни жой, тураргоҳ дегани. Бу сўз одамлар яшайдиган жой, қўни-қўшничилик асосида шаклланган жамоа, ўзаро таниш, қадрдон одамларнинг ўзаро масъулият ва бирдамлик макони деган маъноларни беради. Қисқаси, маҳалла бу — жамиятнинг маънавий-ижтимоий хужайраси. Демак, ривожланиш ва юксалиш хужайралардан бошланади.

Ривож сўзида (раважа) — ўсиш, кенгайиш, мукаммаллашмиш деган маънолар бор. Ривожлантириш эса маҳаллалардаги барча салоҳиятни очиш, сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, тизимли ва барқарор тақомиллашув, дегани. Бу ерда гап маҳалланинг фақат инфра-тузилмасида эмас. Гап маҳаллоларнинг ижтимоий фаоллиги, иқтисодий имкониятлари, маънавий муҳитини ривожлантириш ҳақида кетмоқда.

Жамият сўзи “жам” — йиғиш, бирлаштириш деган маъноларни беради. Жамият — одамлар, элнимиз, халқимиз. “Жамият” сўзининг мақоми “аҳоли” сўзидан баланд. Аҳоли бу одамларнинг статистик йиғиндисидир деб қарасак, жамият — умумий мақсад, қадрият ва масъулият атрофида бирлашган аҳил одамлар уюшмаси. Шу боис, жамиятнинг кучли ёки заифлиги унинг хужайралари — маҳаллаларга бевосита боғлиқ.

Юксалиш эса ўсишдир, лекин оддий ўсиш эмас. Бу — руҳий, маънавий, ижтимоий-иқтисодий камолот сари юқорига кўтарилиш демак. “Жамиятни юксалтириш” деганда, инсон қадри устувор бўлган муҳит, адолат, қонуни устуворлиги, фаол фуқаролик позицияси, маънавий баркамол авлод назарда тутилди. Демак, жамиятнинг юксалиши одамларнинг билим, феъл-атвори, компетенциялари, ақли ва ҳуққидоғи ўзгаришлардан бошланади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ақл ила олам юзин обод қил, Ҳуқл ила одам элини шод қил”, деган ҳикмати 500 йилдан сўнг давлатимиз сиёсатининг таъминлига айланди.

“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деган номда сабаб-оқибат занжири жуда аниқ кўринади. Яъни агар маҳалла ривожланса, жамият жипслашса, жамият жипслашса — янги Ўзбекистон барпо бўлади.

Бунинг учун давлатимиз сиёсати шундай стратегик тамойилни илгари сурмоқда: ислохотлар юқоридан пастга эмас, балки пастдан юқорига — маҳалладан жамиятга қараб амалга оширилади. Яъни янги Ўзбекистон пойтахтда эмас, кўйидан — маҳалладан бошланади. Тараққиёт деганда фақат иқтисодин эмас, маънавий юксалишни, кучли иқтисодиётга баробар кучли маънавиятни тушунишимиз керак. Чунки жамиятни юксалтириш фақат давлатнинг иши эмас, умумийлиги масъулият. Мана шу умумийлиги масъулиятни тарбия ва тарғибот орқали қанчаллик тез ва соз, натижалли амалга оширсак, маҳалла ривожланиди, маҳалла ривожланса — жамият юксалади.

Мурожаатномада миллий бирлик, ҳам-жиҳатлик, Ватан манфаати бош ғоя сифатида янгради. Барчани бирлаштирадиган ягона мақсад — халқ ва Ватан манфаати экани алоҳида урғуланди. Бу эса, албатта, жамиятнинг бирлаштириди. Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ўтказган ижтимоий сўровларда иштирак этганларнинг 90 фоиздан кўпроғи “Мен маҳалламнинг бир қисминман”, дегани ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди.

10 саволга жавобингиз қандай?

“Биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик”. Бу фикр ортида жуда катта орзулар, машаққатли меҳнат, илм ва тажрибалар турибди. Нега? Чунки ислохот — мавжуд ҳолатни тубдан яхшилаш, эски, самарасиз усуллардан воз кечиш, янги, илгор механизмларни жорий этиш, дегани. Ўшундан қилиб айтганда, мақсадни натижага айлантиришдир. Бу эса барча соҳаларда ислохотлар Президентимиз таъкидлаган “Ҳар бир соҳанинг илми бор. Илмга асосланмаган соҳанинг келажаги йўқ”, деган илмий принципти асосида ташкил этилаётганини кўрсатади.

Гап, сўз, фикрлар одамларнинг кайфиятига қараб ўзгариб туриши мумкин. Лекин рақамлар ҳаққоний, ўзаро, бирсўз бўлади. Мурожаатномада халқимизнинг турмуши, кайфияти,



динамикаси аниқ факт ва рақамларда намоён бўлди. Миллионлаб аҳолининг иш билан таъминланиши, камбағаллик даражасининг кескин пасайиши, минглаб маҳаллаларнинг “камбағалликдан холи” ҳудудга айланиши ўз-ўзидан бўладиган ишми? Йўқ, албатта. Бу натижаларда давлатимиз сиёсати марказида “инсон қадри” тургани яққол намоён бўлди. Президентимизнинг “Биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик”, деган фикрида: “ислохот натижа бериши керак — натижага эришдик — тажриба тўғрисида”, деган ифтихоримиз бўйи кўрсатмоқда.

Азиз ватандош, келинг, мана бу 10 та оддий, жайдари, содда саволга “ҳа” ёки “йўқ” жавобларидан бирини бериңг:

1. Шаҳарларимиз жамолли ўзгариб, қишлоқларимиз шаҳарга ўхшаб бораётганими?
2. Янги корхоналар, савдо ва сервис масканлари очилганими?
3. Мақтаб, боғча, шифохоналар қуриляптими?
4. Кўчалар асфальтлашиб, автомашиналаримиз кўпчилигидан йўللарга сиймаланибдими?
5. Хизматлар рақамлашиб, ақлимизни шошиляптими?
6. Давлат хизматчилари маҳалламиз, хонадонимизга қариб келяптими?
7. Юртдошларимизнинг диний амалларни бажариши, зиёрат ва саёҳатга бориши учун барча шароитлар яратилганими?
8. Исрофгарчиликка қарши бошлаган маромийлик миллий-маърифий ҳаракатимизга сабаб ҳам аслида, одамларимизга топган бойлигини исроф қилмаслиқни ўргатиш эмасми?
9. Буларнинг ҳаммаси одамларимизда турмушдан орттирган пул, маблағи кўпайиб бораётганидан далолатмасми?



“2030 йилгача барча туманлардаги маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб қирамиз”. Мурожаатномада айtilган бу фикр бизни энг орзиқиб, интиқиб кутаётган манзарани тақдим қилди. Бу ибората янги Ўзбекистон қиёфаси мамлакатнинг ҳар бир кўча, ҳар бир хонадонда, ҳар бир инсон ҳаётида кўриниши керак, деган қатъий ирода мужассам.



иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатлар билан бирга, XXI аср кўнжималари ўргатилмоқда. Кучли маънавиятли авлоднинг йиғилиши 30 ёшгача индивидуал ва дифференциал технологияси амалга оширилмоқда.

Бошқача айтганда, тарбия ва таълимда Президентимизнинг “биз ўзгаришларни кутиб яшамаймиз, аксинча, уларни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз”, деган ғояси амалга ошмоқда. Мурожаатнома маънавият ва маърифат, таълим ва тарбия ҳодимлари учун ҳам янги концепция, модель, дастурлар, илмий қўлланмаларнинг методологик манбасидир. Ундаги “Албатта, бугунги мураккаб замонда ёшларимизнинг турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш” ҳақидаги дастурий фикр маънавият ва тарбия назарияси, методикаси учун модернизация манбандир. Яъни маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар назарияси “бугунги мураккаб замон” талабларига мос бўлиши керак.

Бунинг учун нима қилиш кераклиги Мурожаатномада аниқ-тиниқ қилиб берилди: “ёшларимизнинг турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш” керак. Нима учун? Чунки замон мураккаб. Ёшларимиз мураккаб савол, вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ўргатилмаса, алданади, адашади. Ўзларини ҳам, уларни асраб-авайлаб ўстирган ота-оналарини ҳам ғам-ғуссага ботириб қўйиши мумкин. Афсуски, бундай мисоллар ҳаётимизда учради.

“Турли синовларга чидамли ёшлар” — бу ҳаётда учрайдиган гиёҳвандлик, диний радикализм, нигилизм, беватандлик гоялари таъсирида синмайдиган, балки синдирадиган ёшлар. “Чидамли”, деган сифат ҳаммада ҳам бўлавермайди.

Чунки ушбу сифат тугма эмас — ўргатиш-ўрганиш натижаси. Агар бу сифат, фазилат, компетенция атайлаб ўргатилмаса, ўғил-қизларимиз ўрганмаса, улар мўрт, бўш, қалқийдиган бўлиши мумкин. Президентимиз Мурожаатномаси ана шундан бизни огоҳлантирмоқда.

Биз тарбиячилар, педагог-ўқитувчилар, маънавият ҳодимлари Мурожаатномани гавҳардек безаб турган “Биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик”, деган фикрдан куч олиб, тарбиявий натижани ошириш учун илмий-методик инновацияларга қиришишимиз керак. Ана шунда мактабгача, мактаб ва олий таълим тизимида узлуксиз маънавий тарбия жараёни “бугунги мураккаб замонда ёшларимизнинг турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш” билан тақомиллашади. Ёшларимиз ҳуққидо мустаҳкам

Учинчидан, халқимизга чексиз муҳаббат, унинг салоҳиятига берилган юксак баҳо бор. Шунингдек, халқимизнинг Президентимизга, давлатимиз раҳбарининг халқимизга мустаҳкам ишончи мужассам. Ана шунинг учун бугунги Ўзбекистон бу — кутувчи давлат эмас, яратувчи, проактив давлат. Биз ўзгаришларни ташқаридан эмас, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз ва бирдам-лигимиздан излаётимиз ва топимиз ҳам.

Хуллас, Президентимиз айтган “2030 йилда эришиладиган маррага 2026 йилнинг ўзида бемалол эриша оламиз”, деган фикр ўзидан кучли маънавий энергия таратмоқда. Демак, халқимиз бирдам, мақсади аниқ экан, вақт ҳам бизга ета олмайд.

Инновацион хабга айланамиз

Ўзбекистон азалдан Буюк ипак йўли маркази, савдо, билим, ҳунар, тажриба ва илмий ҳамкорлик йўллари кесиган марказ — хаб бўлиб келди. Натижада бу ўлкада одамлар, гоялар, технологиялар, ресурслар бириляпти. Фан, маданият, иқтисодиёт, ҳунарлар бириляпти, янги маънавий, моддий қийматлар яратилди.

Дунёга довроти таралётган Ўзбекистон Илмол цивилизацияси маркази бунга мисол. Жаҳон сиёсати даргалари Самарқандга қайта-қайта талпинаётгани бунга мисол. Булар Ўзбекистоннинг нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон сиёсатининг хабга айланишининг тасдиғи эмасми?! Мурожаатномада яна бир тарихий ташаббус ўртага ташланди: “Тўртинчи санаот инқилоби маркази” ташкил этилади.

Бу ибора янги Ўзбекистон тараққиёти тарихида стратегик бурилиш нуқтаси сифатида янгради. Нега деганда, тўртинчи санаот инқилоби (Industry 4.0) — ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув соҳаларида рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва автоматлаштириш асосида юзага келган тўб ўзгаришлар даврининг номи. У ақлли тизимлар орқали ҳамма соҳада самарани кескин оширишдир. Бошқача айтганда: “Ақл ила олам юзин обод қилиш” (Алишер Навоий).

Тўртинчи санаот инқилоби дунёқарашдаги ўзгаришдан бошланади. У таълим-тарбиядан сифат, ёшлардан билим, тадбиркорлик компетенцияларини, стартапларни талаб қилади. Бунинг учун Президентимиз қарори билан ташкил этилган Қўри-Нисий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтида бизнес педагогика деган янги фан соҳасига асос солинди. Бу бежиз эмас, чунки мана шу инновацион йўлни танлаган мамлакатлар келажақни бугунга келтириб, келажақда яшамокда.

“Тўртинчи санаот инқилоби маркази” ташкил этилиши нега бугунлар муҳим? Чунки бу мамлакатимизга ҳомашедан инновацияга ўтиш, ёшлар учун юқори маошли, замонавий касбларни эгаллаш, “таълим-тарбия — илм-фан — ишлаб чиқариш” кластерини беради. Мамлакатимизга минтақавий инновацион хабга айланиш имкониятини ҳозирлайди.

Мурожаатномадаги ушбу фикрда буюк муҳаббат, юксак руҳ бор. Биринчидан, Ўзбекистон келажақни кутмайпти, уни қуряпти. Келажақни бугунга келтиряпти. Президентимизнинг бу ташаббуси Ўзбекистон бу жараёнларга томошабин сифатида эмас, фаол иштирокчи, минтақавий етакчи сифатида кириб бораётганини аниқлатади.

Очилажак марказ бу — ёшлар учун янги билим, замонавий касб, халқаро тажриба, юқори маошли иш ўринлари дегани. Президентимизнинг ушбу ташаббусида “Ёшларимиз дунёда тайёр технология истеъмолчиси эмас, балки технология яратувчиси бўлиши керак”, деган юксак ишонч мужассам.

Янги Ўзбекистон қиёфаси

“2030 йилгача барча туманлардаги маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб қирамиз”. Мурожаатномада айtilган ушбу фикр бизни энг орзиқиб, интиқиб кутаётган манзарани тақдим қилди. Бу ибората янги Ўзбекистон қиёфаси мамлакатнинг ҳар бир кўча, ҳар бир хонадонда, ҳар бир инсон ҳаётида кўриниши керак деган қатъий ирода мужассам.

Бунинг учун тараққиётни марказдан маҳаллага тушириш, ислохотлар маҳаллага, одамлар олдида бориши керак деган ҳикमत бор. Чунки янги Ўзбекистон қиёфаси фақат пойтахтда эмас, балки энг чекка маҳаллаларда ҳам яққол кўриниши лозим. Бу — тараққиётни ҳудудларга тенг тақсимлаш таъминотиинг тантанаси бўлади.

Яна бир гап. Бу ерда гап фақат йўл, уй-жой, электр энергияси таъминоти ёки ободончилик ҳақида кетаётгани йўқ, Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасини намоён қилади. Бу меҳр-оқибатли, адолатли муносабат, инсон қадри устувор бўлган муҳит, ишчи, даромадли одамлар, каттага ҳурмат, қичика иззат демакдир. Демак, бу қиёфа ўй ва сўзларимизда, ҳуққ ва муносабатларимизда ҳам бир хил намоён бўлиши керак. Зеро, Мурожаатномадаги “барча туманлар, барча маҳаллалар”, деган ибора “ривожланган” ва “ортада қолган” деган фарқларни йўқ қилишга қаратилган.

Президентимиз Мурожаатномаси ҳозирги ва келажақ авлодларимиз учун бахтли ҳаётга олиб борадиган йўл харитасининг улғу марраларини белгилаб берди. Энди ҳар биримиз ўзимиздан сўрайлик: бу жараёнда мен кимман: томошабинми ёки иштирокчи? Ана шунда бир ёқадан бош, бир енгдан қўл чиқариб, юртимизни меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, фаровонлик, бахт масканига айлантирамиз.

4

ДИЛДАГИ
ГАПЛАР

2026 йил 6 январь, 2-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz_news

БАРҚАРОРЛИК,
СИНОВЛАР ВА
МУВАФФАҚИЯТ

2025 ЙИЛ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН
ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Сарҳисоб

Ҳаётимизнинг яна бир йилини тарих саҳифаларига муҳрладик. Яқиндагина 2025 йилни катта мақсад ва ниятлар, яхши орзулар, аниқ вазифалар билан кутиб олгандик. Энди эса уни йил давомида қилинган ишлар, амалга ошган ёки улгурмай қолинган мақсадлар сарҳисоби билан кузатишга ҳам улгурдик.

2025 йил жаҳон майдонида ҳам, юртимиз ҳаётида ҳам жижина кечди. Кўпчилик ўтган йилни мамлакатимиз тараққиётининг шиддатли, янги босқичига қадам қўйилгани, дунё саҳнида янги Ўзбекистон номининг яна бир поғона кўтарилиши сифатида юқори баҳолади. Ўтган йилда барча соҳаларда эришилган ютуқлар, оламшумул воқеалар, юртимиз спортда кўлга киритилган тарихий ғалабалар, йирик халқаро тадбирлардаги Ўзбекистон ташаббуслари ва уларнинг тўла тан олиниши буни тасдиқлайди.

Тарихда илк бор футбол бўйича миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатида чиқди. Юртимиз бўйлаб янги, замонавий иншоотлар қуриб битказилди, қатор маҳаббатли бинолар, сайёҳлик масканлари, гастрономик кўчалар очилди. Мамлакатимиз 2025 йил бир қанча нуфузли тадбирларга меҳмонлик қилиб, жаҳон ҳамжамияти эътиборида бўлди. Айниқса, Марказий Осиё давлатларини бириктиришга, янада яқинлаштиришга қаратилган ташаббуслар дунё майдонида тарихий ҳаракатлар сифатида тилга олинмоқда.

Иқтисодий кўрсаткичларимиз ҳам ўсишда давом этапти. Жаҳондаги кескин вазиятлар, молиявий мураккаблиklar, халқаро бозордаги тебранишларга қарамай,

мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини сақлаш, ҳатто оширишга эришилди.

Ҳар бир соҳа вакили 2025 йилни “бизнинг йилимиз” бўлди дейишга арзирли мисоллар кўп. Юртимиз тадбиркорлари, ишбилармонлар ҳам шундай фикрда. Ўтган йил ҳар қачонгидан кўра фаолроқ кечгани нафақат рақамларда, балки мамлакатимиз ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Янгидан янги корхоналар очилиб, лойиҳалар амалга оширилаётгани, минглаб одамлар бандлиги таъминланаётгани шунчаки гап эмас. Жаҳон бозорида Ўзбекистон миллий бренди шаклланиб, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар янги бозорларга кириб бораётгани ҳам айтишга арзғулик натижалардир.

Ҳозир кўпчилик қўшимча даромад топиш мақсадида бирор бизнесга қўл уряпти. Чунки барча йўللар очиқ, бизнессга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Гапнинг дангалини айтганда, бутун тадбиркорларнинг замони келди. Буни ҳар бир ишбилармон ўзида ҳис қилипти, амалда исботини кўрапти.

Натижалар ҳам шунга яраша бўлиши керак. Яқунланган йил мамлакатимиз тадбиркорлари учун қандай келгани, жаҳондаги ва миллий иқтисодиётдаги ўзгаришлар уларнинг фаолиятига қанчалик таъсир кўрсатгани, йил бошидаги кутилмалар ўзини қанчалик оқлагани билан қизиқдик.



Нуқтани назар

ИНСОН ҚАДРИДАН БОШЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ФЕНОМЕНИ

Бошланиши 1-бетда

Унда келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар — ялпи ички маҳсулот ҳажмининг илк бор 145 миллиард доллардан ошгани, инвестициялар оқими кенгайиши замирида ҳар бир инсон манфаати туради. Бу нимани англатади? Бу янги иш ўринлари яратилмоқда, инфратузилмалар яхшиланмоқда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатилмоқда ва маҳаллаларда ҳаёт сифати ўзгармоқда дегани.

Ичимлик сув, уй-жой ва энергия масалалари одамлар ҳаётида энг муҳим эҳтиёжлардан ҳисобланади. Шу боис, ушбу соҳалардаги ислохотлар инсоннинг муноси яшаш учун зарур шарт-шароитларни яратди. “Оғир” тоифадаги маҳаллаларда комплекс ёндашувни жорий этиш эса бу ўзгаришларни, энг аввало, эҳтиёж катта бўлган ҳудудларга етказишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, камбағаллиқни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш, инклюзив таълимни жорий этиш каби вазифаларнинг муражаатномада устувор йўналиш сифатида белгиланиши Ўзбекистон ижтимоий давлат эканининг амалий ифодасидир. Камбағаллиқни қисқартириш бўйича ташаббуслар, аввало, инсоннинг муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Инклюзив таълимга алоҳида эътибор қаратилиши эса жамиятда тенг имкониятлар яратиш, “ҳеч ким муаммоси билан ёлғиз қолдирилмайди”, деган инсонпарвар гоянинг реал ҳаётда акс этётганини кўрсатади.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни қисқартириш йили” деб эълон қилиниши ҳам жуда муҳим қадамдир. Инсон муаммоси, аввало, маҳаллада туғилади ва энг тўғри ечимни ҳам айнан шу ерда топиши даркор. Шу маънода, ҳар бир муражаатнинг марказига бориб, вақт ва ишонч йўқотмасдан ҳал этилишига қаратилган йўл бу аслида. Президентимизнинг стратегик ташаббусида ҳам айнан шу халқчил мақсад-муддао мумкин.

Шарқона демократиянинг ўзига хос ва бетакорр мактаби бўлган маҳалла инсон ҳуқуқларини таъминлашда тежорлик, яқинлик ва адолат тамойиллари амал қиладиган муҳим ижтимоий майдон сифатида янада мустаҳкамланади.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сифатида биз учун Муражаатномада белгиланган суд-хуқуқ йўналишидаги вазифалар алоҳида аҳамиятга эга. “Рақамли суд” концепцияси, тергов жараёनларини рақамлаштириш, санқизиш ва мажбурият чораларини қайта кўриб чиқишда тергов судьялари ваколатларини кенгайтириш, ижро тизимида инсон омилини қисқартириш — буларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини кафолатлаш механизмларини кучайтиришга қаратилган.

Хусусан, одил судлов жараёнини “Рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этиш, тергов ва суд жараёнларини рақамлаштириш замон талаби. Бу орқали жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан тортиб, ишни судга ўтказишгача бўлган барча босқичларда шаффофлик таъминланади, инсон омили камайдди ва асосий кечиктирилган ҳамда суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олди олинади.

Муражаатномада одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ва ролини кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жиноят процессига инглиз ҳуқуқига асосланган давлатларда ижобий натижа берган “халқ вакиллари ҳайъати” институтининг босқичма-босқич жорий этилиши суд муҳокамаларида очиклик ва ҳолисликни таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, ўта оғир ва жамиятда катта резонанс уйғотган жиноят ишларининг жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши суд қарорларига ишончини оширади.

Давлатимиз раҳбари Муражаатномада яна бир ўта муҳим масалага эътибор қаратиб, “Суд қарорлари ижросини таъминламай туриб, фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқининг ишончли тикланишига эришиб бўлмайди. Шу боис, мажбурий ижро жараёнига

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлисининг Инсон
ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман)

самарали муқобил механизмларни ҳам киритамиз”, дея таъкидлагани бежиз эмас. Афсуски, қарорлар ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилмайди ҳолатлар ҳам учраб турибди. Суд қарори ижросини таъминлаш учун омбудсманга муражаат қилишга мажбур бўлаётган фуқароларимиз кам эмас.

Шундан келиб чиқиб, суд-хуқуқ ислохотларининг мантикий давоми сифатида илгор хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда мажбурий ижро жараёнига суний интеллект асосидаги самарали муқобил механизмларни жорий этиш режалаштирилмоқда. Қисқа муддатларда ижро ҳаракатларининг камиди 30 фоизини инсон омилиси амалга ошириш кўзда тутилгани орқиб тизимда адолат, шаффофлик ва тежорликни таъминлаш борасида мутлақо янги босқични бошлаб беради.

Коррупцияга қарши курашиш масаласининг Муражаатномада катъий ва муросаз тарзда қўйилиши бежиз эмас. Чунки коррупция фақат иқтисодий йўқотишлар ёки бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши эмас. У, энг аввало, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқаради, фуқароларнинг давлатга ишончини емиради ва инсон ҳуқуқларини амалий жиҳатдан ҳимоя қилиш имкониятини чеклайди.

Коррупцияга қарши курашишда 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилиниши орқали мажбурий ижро жараёнига бўлмайди, биринчи навбатда ҳал қилиниши шарт бўлган устувор масала сифатида белгиланмоқда.

Комплаенс ва ички назорат механизмининг берилган идораларда жорий этилиши давлат қарорлари ва бюджет маблағлари тақдирини шахсий жавабгарликни кучайтиради. Бу эса коррупцияга қарши курашнинг фақат жазо чоралари билан чекламай, унинг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва тизимли баргараф этишга қаратилган самарали институционал муҳитни шакллантиради.

Умуман олганда, Муражаатномада белгилаб берилган олти устувор йўналиш бир-биридан алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қиладиган ягона тизимни ташкил этади.

Айниқса, Муражаатномада яқинда айтилган ушбу фикр бутун ислохотлар мантигини бир нуқтага жалб этди: “Мирзо Ўлбег бобомиз бундан олти аср муқаддам инсоният учун юлдузлар харитасини яратган эди. Бугун эса биз ҳозирги ва келажак авлодларимиз учун бахтли ҳаётга олиб борадиган йўл харитасини яратганимиз лозим”.

Демак, олдимизда турган вазифалар фақат давлат идоралари ёки алоҳида институтлар зиммасида эмас. Бу жараёнда ҳар бир фуқаронинг масъулияти, жамиятдаги ҳар бир бўғиннинг ўз ўрни бор.

Ривожланган давлатлардаги шароитларни орзу қилиш эмас, мамлакатимиз улар қаторида бўлиши учун барча бирдек ҳаракат қилиши лозим. Давлатимиз раҳбари сўнгги тўққиз йилда эришилган аниқ натижалар орқали бир ҳақиқатни очик кўрсатди: ислохотлар йўли тўғри танланган, марра аниқ, энг муҳими, инсон манфаати бу йўлнинг бош мезони бўлиб қолмоқда.

БУ ЙИЛ ДУНЁ БОЗОРИГА ЧИҚАМИЗ



Ҳусниддин ГАППАРОВ,
Навоний вилоятидаги “Ховандамир Holding” МЧЖ раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонини соҳиб:

— Йилни эзгу ниятлар, катта мақсад ва вазифалар билан бошлаш халқимизга хос қадриятдир. Ҳар бир йил инсон ҳаётида муайян тажриба, синов ва хулосалар билан ёдда қолади. Муҳими, рўй берган воқеалардан тўғри хулоса чиқариб, уларни келгуси фаолият учун пойдеворга айлантира олишдир. Бу, айниқса, тадбиркорликда муҳим жиҳат. Зеро, бизнессда доим барқарор ривожланиш бўлавермайди, соҳа турли синов ва таваққал-чиликларни ҳам ўз ичига олади.

2025 йил “Ховандамир Holding” учун айнан шундай синов ва имкониятларга бой бўлди. Жаҳон бозоридаги бекарорлик ва ташқи иқтисодий омилиларга қарамай, ишлаб чиқариш жараёнларида барқарорлиқни

сақлаб қолишга эришдик. Корхоналаримизда босқичма-босқич замонавий технологиялар жорий этилди, ички бошқарув ва назорат тизимлари тақомиллаштирилди. 2025 йил бошида белгиланган режаларимизнинг асосий қисми амалда рўёбга чиқди. Айрим лойиҳалар ташқи омиллар сабаб кечиккан бўлса-да, бу ҳам биз учун муҳим тажриба бўлди, келгусида ишларни янада пухта режалаштириш зарурлигини кўрсатди. Энг муҳими, ўтган йилни ижобий натижалар билан яқунладик ва стратегик йўналишимиз тўғри танланганини амалда кўрдик.

Бугунги кунда ҳолдинг таркибида мебель ва металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш ва АТ йўналишларида фаолият юритувчи бир қанча корхона муваффақиятли ишламоқда. Мазкур соҳаларнинг барчаси мамлакатимизда жадал ривожланиб, юқори рақобат муҳити шаклланган тармоқлар ҳисобланади. Шундай шароитда маҳсулотларимизнинг сифат ва дизайн жиҳатдан халқаро брендлар билан рақобатлаша олаётгани бизни қувонтиради. Шу билан бирга, бозорда кучайиб бораётган рақобат муҳити корхоналарни доимий изланиш, маҳсулот сифатини ошириш ва истеъмолчилар эҳтиёжига мос таклифлар яратишга ундамоқда.

Зеро, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва миқдорлар талабни тўлиқ қондириш фаолиятимизнинг устувор вазифасидир. Кейинги йилларда ишлаб чиқариш қувватлари босқичма-босқич кенгайтирилиб, йиллик ҳажмлар изчил ошиб борапти. Бугунги кунда корхоналаримизда 150 дан ортқ кишининг доимий бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, ҳамкор ташкилотлар орқали билвосита янги иш



ўринлари яратилмоқда. Ҳозирги босқичда асосий эътибор ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган бўлса-да, жорий йилдан экспортни йўлга қўйиш ва хорижий бозорларга чиқиш ҳам режалаштирилган.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, замонавий қурилиш лойиҳалари ва саноат тармоқлари ривожига мебель ҳамда металл маҳсулотларга талаб орттиришга хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда АТ хизматларга эҳтиёж ҳам сезиларли даражада ошди. Бу, аввало, иқтисодиёт ва бошқарув тизимлари рақамлаштирилиши, илгор технологиялар кенг жорий этилиши билан боғлиқ.

Умуман олганда, 2025 йил юртимиз тадбиркорлари учун самарали бўлди. Глобал ва минтақавий иқтисодий жараёнлар ҳомашё таъминоти, логистика ва молиявий режалаштиришда эҳтиёткорликни талаб этди. Шу билан бирга, бу жараёнлар тадбиркорларни

ички имкониятларга таянган ҳолда самардорликни оширишга ундади.

Айни пайтда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, саноатни ривожлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу реал сектор фаолиятида ҳам яққол сезилипти. Натижада тадбиркорлар зиммасидаги масъулият янада ортиб, миллий брендлар нуфузини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўиш муҳим вазифага айланди.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йил янги Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ривожланиш ва ички ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш йили сифатида ёдда қолди. Олдимизда эса янада улкан вазифалар турибди. Келгуси даврда ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, замонавий ускуналар олиб кириш, маҳсулот турларини кенгайтириш, рақамли бошқарув тизимларини жорий этиш, малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда экспорт географиясини кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

“Минтақадаги энг яхши бизнес меҳмонхона” деб топилди.

Ўтган йил меҳмонхона Ислон цивилизацияси марказида ҳам фаолиятни бошлади. Бизга “Фаровон” меҳмонхоналар тизимини яратиш вазифаси топширилди. Бу миллий бренд остидаги меҳмонхоналар тармоғини яратиш йўлидаги катта қадамлардан бири деб биламан. Бундай лойиҳалар ўзбек халқининг меҳмондўстлигини дунёга танитиш ва халқаро хизмат кўрсатиш стандартлари талабларини миллийлик билан уйғунлаштиришга ҳисса қўшади.

Энг катта эътироф эса давлатимиз раҳбарининг “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонини билан тақдирлангани бўлди. Бу мен учун юксак ишонч рамзи, катта шараф ва масъулиятдир, очиги, жуда фахрландим. Бундай эътирофлар одами янада кўпроқ ишлагча, янги марраларга ундайди. Ушбу йилнинг ҳам шундай шуқуҳли, муваффақиятли ўтиши, янада катта натижаларга бой бўлишини ният қилиб, олдимизга аниқ вазифалар қўйганмиз. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, малакали кадрлар тайёрлаш ва хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, “яшил” меҳмонхона тамойилларини чуқурлаштириш қабилад шулар жумласидан.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЮКСАК ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ РАМЗИ

Лола МИРЗАЕВА,
Хоразмдаги “Khiva Plaza” МЧЖ раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонини соҳиб:

— Ўзбекистонда туризм ҳақида гап кетса, Самарқанд, Бухоро ва бошқа ҳудудлардаги бир нечта тарихий обидаларимизга тилга олинади. Ҳозир туризм йўналиши мамлакатимизда жадал ривожланаётган тармоқлардан бирига айланган. Бунёд этилаётган янги ва замонавий сайёҳлик манзиллари, дам олиш масканлари, “Арда Хива” сингари йирик лойиҳалар ҳорижликлар қизиқишини тобора оширяпти. Ўтган йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони 10,7 миллиондан ошгани бунинг исботи. Шу жиҳатдан 2025 йил мамлакатимиз иқтисодиётида барча соҳалар қатори туризм йўналишининг янги босқичга кўтарилигани билан ҳам тарихда қолди.

Туризм ривожини ўз-ўзидан хизматлар соҳасига талабни оширади. Сайёҳлар келадиган жойларда меҳмонхоналар, овқатланган ва савдо марказлари бўлиши керак. Бунинг ортдан валюта тушумлари кўпаяди, ҳудудларда инфратузилма, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланади, янги иш ўринлари яратилади.



Ўзим 25 йилдан бери туризм ва меҳмонхона бошқаруви соҳасида фаолият юритиб келаман. Йилига 25 минг чет эллик сайёҳга меҳмонхона хизматларини кўрсатамиз. Меҳмонхонамизнинг конференция залларида йил давомида ўнлаб халқаро тадбирлар ўтказилади. Ўтган йилда умумий хизматларимиз ҳажми 30 миллиард сўмга етди. Бу кўрсаткич

2024 йилдагига нисбатан 10 фоиз юқори. Гап шундаки, Хива азалдан сайёҳлар учун қизиқарли бўлганига қарамай, авваллари бу ерда тарихий обидалар атрофида замонавий дам олиш, кўнгулчор ва савдо масканлари деярли бўлмади. Шу боис, меҳмонлар узоқ вақт қолмаган. Ҳозир эса нафақат хорижлик, балки маҳаллий меҳмонлар ҳам Хивага келиб, бир неча кун шу ерда қоляпти. Натижада меҳмонхона хизматларимизга талаб ошган.

Хорижлик меҳмонларимизнинг асосий қисми европаликлар. Уларга 150 дан ортқ кишидан иборат катта жамоамиз хизмат кўрсатади. Ходимларимизнинг 50 фоиздан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади.

2025 йил мен учун натижалар ва эътирофлар йили бўлди. Режаларимизнинг асосий қисми муваффақиятли амалга ошди. Меҳмонхона молиявий жиҳатдан барқарор ишлади, даромадимиз ва хизматлар сифати сезиларли даражада ўсди, жамоанинг касбий малакаси юксалиб борапти. Экологик лойиҳаларни ҳам амалга оширдик. Бизнес ва дипломатик туризмда фаол иштирок этдик, халқаро майдонда ишончини мустаҳкамладик. “Farovon Khiva” меҳмонхонамиз

Дилафрўз СОБИРОВА,
Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси,
Харвард университети гранти соҳибаси

Америка — сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машъали...
Бу шоҳ сатрларни китобларда ҳижжалаб
ўқиган кезларим уммон ортидаги сеҳрли
диёрга бориш истаги кўнглим тубидан жой
олган. Лекин фақат орзу билан мақсадга
етиб бўлмайди. Орзуга яраша ҳаракат
қилиш керак. Одам ҳаракатга келиши учун
унда имконият, ишонч бўлиши зарур.



ОЛТИН АВЛОДМИЗ

2025 йил ҳаётимда ўчмас воқеалар билан эсда қолди. Дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири, АҚШдаги Харвард университетига 100 фоизлик, яъни 392 минг АҚШ доллари миқдоридagi грант соҳиб бўлдим. Бундай ютуқ ва муваффақиятга ўз-ўзидан эришайётганимиз йўқ, албатта.

Кейинги йилларда ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, хорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаёда муносиб ўрин топишга қўмаклашиш давлатимизнинг асосий вазифасига айланган. Янги Ўзбекистон келажаги бўлган ана шу ёшлар сафида эканимдан фахрланаман.

Президентимизнинг ёшларга қарата айтган “**Биринчи ва Иккинчи Ренессанси буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатни сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд қўтаришга қодирсиз. Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз**”, деган сўзлари менга ҳамisha куч-қувват беради. Ҳаракат, изланишга даъват этади.

Чекка бир қишлоқда, бир умр гидротехника соҳасида меҳнат қилган бобом Собиржон Қоратоев фарзанд ва набираларини зиёли қилиб тарбиялашга интилд. Бунда юртимизда яратилган имкониятларнинг ўрни беқисс. Дадам шифокор, онам ўқитувчи бўлгани боис, ўрта таълим мактабига бормасидан олдин ўқиш, ёзишни ўрганиб олганман. Биринчи синфга борган илк кунимда синф доскасига ўз исм-фамилиямни ёзганман. Буни биринчи ўқитувчим тез-тез эслаб туради. Илм бахт қалити, имконият майдони эканини ўқитган бобом қўлимдан етаклаб Қува туманидаги ўқув марказига етаклаб борган. Шу боис, инглиз тилини олий таълим муассасаларига тайёргарлик кўраётган абитуриент ака-опаларим билан бирга интенсив равишда ўзлаштирганман.

Бобом бизни илмга қандай қизиқтирган, ўқишимизга шароит яратиб берган бўлса, Президентимиз барча ўзбекистонлик ёшларга худди шундай муносабатда бўлгати. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарини бобомдай яхши кўраман. Мана, масалан, 2021 йилда Фарғона шаҳрида Президент мактаби фаолият бошлади. Ўшанда синовлардан муваффақиятли ўтиб, нуфузли мактабининг 7-синфига қабул қилиндим. Бу таълим масканидаги шароит ва имкониятлар, устозларимизнинг илмий салоҳияти, қўлаб-қувватлаши билим олиш, фанларни ўзлаштиришдаги имкониятларимизни янада кенгайтди. Хусусан, халқаро IELTS имтиҳонидан 8 балл, SAT имтиҳонидан эса 1540 балл тўпладим. Немис тили бўйича имтиҳонда В2 даражани қўлга киритдим. Буларга қўшимча равишда рус ва турк тилларини ҳам мукаммал ўзлаштирдим.

Мен танлаган Харвард университетидан шу кунгача 75 та Нобель мукофоти соҳиб етишиб чиққан. Дунёнинг нуфузли олий таълим муассасасида ўқиш, биология ва ахборот технологиялари йўналишида илмий тадқиқотлар қилмоқчиман. Мақсадим юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, атроф-муҳит муҳофазасига фойда берадиган кашфиётлар қилиш. Бунинг учун барча шароит ва имконият етарли.

Оиламизда илм олиш масаласи доимо биринчи ўринда бўлган. Фан олимпиадаларига шунчаки қатнашиб, ўзимни синаб кўриш мен учун эмасди. Уйдагилар мени қўлаб-қувватлаб, олдинда турган ғалабаларга руҳлантирди.

ИЛМ САБАБ МИЛЛИАРДЕР ЎҚУВЧИГА АЙЛАНДИМ

Яқунланган йил бутун ҳаётимга, барча орзуларимга мустаҳкам пойдевор қўйган йил бўлди, десам хато бўлмайди. Чунки шу йил Халқаро кимё олимпиадасидаги натижам сабаб миллиардер ўқувчига айландим. Минглаб ёшлар мен ва мени каби олимпиада ғолибларига ҳавас кўзи билан боқди. Кўплаб ота-оналарда билимга инвестиция киритиш истаги ошди.



Далер РАҲИМОВ,
Халқаро кимё олимпиадаси
олтин медали соҳиб

Эътибори, устозларимизнинг заҳматли меҳнати, ота-онамизнинг қўлловлари билан эришдик бунга. Қолаверса, тинимсиз изланиш, ўз устимизда мунтазам ишлаганимиз, камчиликларимизни дўстона муҳокама қилганимиз, ўзаро фикр алмашганимиз билим ва тажрибамизни янада оширди. 90 дан зиёд давлатдан келган 400 га яқин ўқувчи орасида ғалабага эришиш осон эмас. Тўғри, аввал ҳам бошқа Халқаро кимё олимпиадаларида қатнашганман. Бироқ олтин медал учун жиддий ишланган. Биринчи олтинни олишдан олдин кетма-кет 4 марта



қумуш олганимда буни чуқур ҳис қилганман. Илк бор 8-синфда Халқаро олимпиадага қатнашганимда медал ололмаганман. Албатта, бу руҳиятимга салбий таъсир қилиши бора-борида мағлубиятлар олдида тик туришга ҳам ундаган. Қолаверса, оиламизда илм олиш масаласи доимо биринчи ўринда бўлган. Фан олимпиадаларига шунчаки қатнашиб, ўзимни синаб кўриш мен учун эмасди. Уйдагилар мени қўлаб-қувватлаб, олдинда турган ғалабаларга руҳлантирди. Ўз устимда кўпроқ ишлашга киришдим. Бир кун, албатта, мен ҳам олтин медал билан қайтман деб ният қилдим.

2024 йили меҳнатларим самараси ўлароқ, 9-ўрин билан олтин медалга сазовор бўлдим. Бу юқори натижа эди. Чунки бундан олдинги олтин 22-ўрин билан олинган. 2025 йил ҳам олтин медал даражасида натижа кўрсатиб, Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтганим учун мени қўлаб турган барчага раҳмат айтаман. Миллиардер олимпиадачиларга ҳавас қилиб турган йўдошларимдан эса, аввало, мақсади тенгдошларимга бўлишни сўрайман. Илм олиш игна билан қудуқ қазийдек гап экани жуда тўғри. Уйқу, интернетдан ноўрин фойдаланиш қамайтирилгандагина илм чўққиларини забот этиш мумкин. Зеро, 2026 йилда нуфузли Халқаро кимё олимпиадасига мезбонлик қилиш Ўзбекистонга толпирилди. Бу қўлаб илм толиблари учун катта имкониятдир.

Айни пайтда дунёдаги ТОП-10 таликка кирувчи олийгоҳларга киришга тайёргарлик кўряпман. Насиб қилса, кимё муҳандислиги йўналишида тахсил олиб, илмий фаолиятимни давом эттираман. Бу орқали эса келажақда ўз касбиямнинг етуқ мутахассисига айланиб, халқаро ареналарда давлатимиз байроғини бундан-да баланд кўтармоқчиман.

ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛИШ САОДАТИ

Яна бир йил ортда қолди. У фақат тақвим варақларида эмас, кишилар онгу шуурида ҳам ўз изини қолдириб кетди. Ортга назар ташлар эканмиз, “нималарга улгурдик, галдаги вазифаларимиз нимадан иборат” каби саволлар ҳар биримизнинг кўнглимиздан ўтиши табиий.

2025 йил мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маърифий ҳаётида чуқур ўрин олган давр сифатида тарих саҳифасига муҳрланди. Муваффақиятлар ва ўзгаришлар ҳар бир юртдошимиз ҳаётида акс этди. Муҳими, натижалар фақат ташқи воқеликлар билан чегараланиб қолмади, ўзгаришлар инсонларнинг онги, фикрлаш тарзи ва қадриятлар тизимида ҳам ўз ифодасини топиб бормоқда.

Айниқса, ёшлар учун ўтган йил қутилмаган ҳулосалар, ёрқин воқеликлар, унутилмас таассуротларга бой бўлди. Уларнинг ҳар бир ташаббусига елкадош бўлинди, салоҳиятини рўёбга чиқариш учун ташкилий имкониятлар яратилди. Кўпгина соҳаларда эътиборга молик муваффақиятга эришган юртдошларимизнинг бугун ўз айтар сўзи бор. Келинг, уларнинг мулоҳазалари билан танишамиз.

ЮРТИМИЗ САЛОҲИЯТЛИЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Муҳиддин НЎЪМОНЖОНОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти
биологик кимё кафедраси ассистенти,
“Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиб:



— Яратилётган имкониятлардан баҳраманд бўлаётган ёшлардан бириман. 40 дан ортиқ мақолам республика ва халқаро журналларда эълон қилинган. Шунингдек, 22 та патентга муаллифлик гувоҳномасини қўлга киритганман. Иккита илмий лойиҳам амалиётда қўлланилмоқда.

2025 йил мамлакатимиз ёшлари ҳаётида имкониятлар янада кенгайган йил бўлди. Ёшлар таълим, тадбиркорлик ва жамият ҳаётида фаол иштирокчига айланди. Шу жумладан, ўтган йил мен учун фақат ютуқлар эмас, балки катта масъулиятни ҳам англади. “Мард ўғлон” давлат мукофотига сазовор бўлиш шахсий ютуғимдан кўра, ишонч, иштиёқ ва ватан олдидаги бурчини янада чуқур ҳис этишига ундаган воқеа сифатида ўз изини қолдирди.

Мукофотни қабул қилган онларимда бир фикр қалбимда мустаҳкам ўрнашди:

инсонни улуглайдиган нарсани унинг унвони эмас, балки халқ ишончига қай даражада муносиб бўла олиши экан. Шундан сўнг мен дунёга шахсий манфаат ёки қисқа муддатли натижалар нуктаи назаридан эмас, балки жамиятга қанчалик фойда келтира олишим нуктаи назаридан қарай бошладим. 2025 йил менга бир ҳақиқатни ўргатди: ютуқ манзил эмас, балки янада катта хизматларга чорловчи йўл боши экан.

Дунёқарашимдаги энг катта ўзгариш масъулият ҳисси ортгани, ҳар бир ҳаракатим ёшлар учун намуна бўлиши мумкинлигини англаб етганимдир.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, юртдошларимиз оғирини енгил қилиш, саломатлиги, ҳаёти сифати яхшиланишига кўмак бериш биз, тадбиркорлар учун катта вазифа ва бурч. Мен зиммамдаги ана шу вазифани бажаряпман, ҳолос.

Орзум — элимиз РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Насим КОМИЛОВ, Самарқанд шаҳридаги “STD Health Med” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, “Шухрат” медали, “Инсон фахри” миллий мукофоти соҳиб:



— 2025 йил мен учун унумли ва баракали келди. Фаолиятимдаги юксак натижалар руҳимни кўтарди. Олдимга қўйилган мақсадларга озми-кўпми эришдим. “Meros Hospital” клиникасида юрак жарроҳлиги бўлимини ташкил қилдик. Шунингдек, физиотерапия орқали инсулти, инфарктга чалинган кишиларни даволаш маркази ишга туширилди. Ногиронлиги бор инсонларни кундузи парваришлаб, даволаб, кечки соатларда уйига кетишига шароит яратдик. Мақсад — уларни қаровсиз қолдирмаслик, бирор нарсасга зориқиш, эҳтиёж сезмаслигини таъминлаш. Кечки соатларда оила даврасида бўлиш уларнинг яқинлари меҳрини ҳис қилиб яшашига имкон беради. Инсон сифатида қадр ва меҳрга муносиблигини тушунади.

2025 йилда “Шухрат” медали билан тақдирландим. Мамлакатимизда илк бор ташкил этилган “Инсон фахри” миллий мукофоти танловиди “Чегарасиз яхшилик” номинацияси ғолиби бўлдим. Бу эътирофни катта ҳаяжон билан қабул қилдим. Мен учун мукофот фақат шахсий ютуқ эмас, балки ёнма-ён одимлаётган жамоамники, қолаверса, азиз халқимизники. Мукофот мўқим яшаш жойига эга бўлмаган фуқароларга уй қуриб берганим, имконияти чекланган беморлар учун бепул ашифхона ташкил этганим учун берилди. Аслида, фаолиятим давомида

нимаки қилган бўлсам, буни эътироф, олқиш илинжида қилмаганман. Ёрдамга муҳтож инсонларга бефарқ қарай олмайман. Қолаверса, ўзганинг дардида дармон бўлиш халқимизнинг қонида бор. Мен ана шу халқнинг кичик вақилиман. Шифокор учун энг катта вазифа инсон ҳаётини асраш ва беморга умид бериш. Шу масъулият ҳисси мени бир зум бўлса-да, тарк этмайди.

Ортда қолган йилни сарҳисоб қиларканман, эришган барча муваффақиятларим замирида юртимиздаги тинчлик-осойишталик муҳити, тадбиркорликка берилаётган имтиёз, қулайликлар, шарт-шароит етганини ҳис қиламан. Имконият ва имтиёз эмин-эркин фаолият юритишимиз, даромад топишимизга замин бўлгати. Аҳоли фаровонлигини ошириш, юртдошларимиз оғирини енгил қилиш, саломатлиги, ҳаёти сифати яхшиланишига кўмак бериш биз, тадбиркорлар учун

катта вазифа ва бурч. Мен зиммамдаги ана шу вазифани бажаряпман, ҳолос.

“Meros Hospital” шунчаки замонавий клиника эмас. Илм, технология ва инсонпарварлик уйғунлигини бир ерда жамлашга ҳаракат қилдик. Тиббиётнинг энг замонавий ютуқларидан фойдаланамиз. Жанубий Кореяда яратилган Revo-i роботлаштирилган тизими жарроҳлик амалиётларида кенг қўлланилгати. Тўртта механик қўл, 3D визуализация, минимал кесиллар ва максимал аниқлик операция муваффақиятли ўтишини таъминлаб, беморлар тезроқ оёққа туришида қўл келмоқда. Жарроҳ ҳар бир ҳаракатни тўлиқ назорат қилади, бемор саломатлигида эса асорат кузатилмайди. Нейрожарроҳлик соҳасида ақлли тизим — Brainlab Curve янги авлод нейронавигация платформаси кенг қўлланилгати. У жарроҳқа ҳар бир ҳаракатни юксак аниқликда бажариш, қорорларни реал вақтда қабул қилиш имконини беради. Технология ва тажрибанинг уйғунлиги “Meros Hospital”ни минтақанинг энг илгор клиникаларидан бирига айлантиришига умид қиламан.

Ҳар янги йилда натижалар сарҳисоб қилиниб, энг фаол ҳодимларни тақдирлаш аънавага айланган. Энг кичик қисмлардан тортиб, совгалар, рағбатлантиришлар ва мукофотларга пухта тайёргарлик кўрилади. Чунки аминман, рағбат бор жойда ўсиш бўлади.

2026 йилда фаолиятимни кенгайтиришни режалаштирганман. Янги иш ўринлари ташкил этилади. Онкологик касалликларни даволашга мўлжалланган клиника очиш ниятим бор. Асосий вазифа ва келажақдаги режаларимнинг негизиди халқимиз, беморларнинг тиббиёт ҳодимларидан розилигига эришиш, онкологик ёрдам кўрсатиш тизимини дунёнинг энг етакчи мамлакатлари қаторига олиб чиқишдир. Албатта, истиқболдаги бу режалар амалга ошиши учун юртимизда барча шароитлар яратилган ва бунинг учун изланиш, ишонч ва шахдам ҳаракат бўлса бас.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

Маҳобатли иншоот қадимги меъморий обидаларимиз шаклида бунёд этилган. Миллий гумбаз ва пештоқлар, нақшларнинг ажойиб уйғунлиги унга алоҳида кўрк бағишлаган. Мажмуанинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада 65 метрли гумбаз қурилган.



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари маърузаларидан бирида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ташкил қилинишидан асосий мақсад халқимизнинг бунёдкорлик даҳоси билан барпо этилган ана шундай ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳоли ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқоти йўлга қўйиш, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислон динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш эканини таъкидлаган эди.

Президентимиз лойиҳанинг амалга оширилиши жараёнини мунтазам кузатиб борди. Тамал тошини қўйишдан бошлаб қурилиш ва бунёдкорликнинг ҳар бир босқичида қурилиш майдонида таширф буюриб, ишларнинг боришини кўздан кечиришни қанда қилмади. Танишиш жараёнида керакли маслаҳатлар берди, мутахассислар иштирокида мажмуа тарҳига зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритди, такомиллаштирди.

Қиёси йўқ мегалойиха

Маърифат, илм-фан ва таълим Учинчи Ренессанс сари дадил қадам қўяётган мамлакатимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Янги Ўзбекистонда илм-фан,



инновацион технологиялар ва илгор кашфиётлар барчамиз озу қилган уйғониш даври сари руҳлантормоқда. Аждодларимизнинг маънавий мероси эса замонавий давлатчилигимиз тараққиётида мустақкам ҳамда муносиб ифодасини топаётди.

Учинчи Ренессанс пойдевори

ХАЛҚИМИЗНИНГ БУНЁДКОРЛИК ДАҲОСИ БИЛАН БАРПО ЭТИЛГАН НОЁБ МЕРОС



Маҳобатли иншоот қадимги меъморий обидаларимиз шаклида бунёд этилган. Миллий гумбаз ва пештоқлар, нақшларнинг ажойиб уйғунлиги унга алоҳида кўрк бағишлаган. Мажмуанинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада 65 метрли гумбаз қурилган.

Марказнинг энг асосий қисмидан Қуръони карим зали жой олган. Бу ерда мусулмон дунёсининг маънавий дурдонаси — қадимий Усмон Мусхафи жойлаштирилди. Шунингдек, муқаддас китобнинг сомониёлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, Ўзбекхон, темирлийлар ва бошқа тарихий сулолалар даврида битилган нусхалари ҳамда эски ўзбек тилидаги маънолар таржималари қўйилди. Қуръони каримнинг жаҳондаги энг нодир қўлёзмаларидан намуналар ҳам ўрин олди.

Марказда 460 ўринли анжуманлар зали бор. Бу ерда турли халқаро учрашувлар, анжуманлар ўтказиш учун зарур шароит яратилган, энг сўнгги русумдаги техника воситалари билан ўрнатилган. Ўтган йили августда мажмуа билан танишиш асносида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон улуг тарихига эга мамлакатлиги, буюк аждодларимизнинг илмий-маданий мероси инсоният тарихида ўчмас из қолдиргани, дунё ҳам-жамиyatини ундан хабардор қилишда ушбу марказнинг ўрни бекиёс эканини таъкидлаган эди.

Бу ерга қирган киши асрлар давомида илм-фан, маънавият, маърифат ва маданият

“Иккинчи Ренессанс даври”, “Ўзбекистон XX асрада”, “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” каби бўлимлар ташкил этилган. Мазкур даврлар тарихи турли ашёлар, қўлёзма манбалар, суратлар ва мультимедияли воситалар орқали намойиш этилган. Тарихдаги етук уламоларнинг ислон маърифатига қўшган ҳиссаси атрофича ёритилган.

Айни вақтда мажмуада Бибихоним, Хонзодабегим, Гавҳаршодбегим, Гулбаданбегим, Нодирабегим, Увайсий, Анбар отин каби тарихимизда чуқур из қолдирган аёлларнинг илм-маърифат ҳомийси сифатидаги фаолияти ҳам ифодаланган.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ва унинг теварагида қилинган бунёдкорлик ишлари ҳамда ўзгаришлар ҳар қандай одамни маҳлиё этади. Пойтахтнинг тарихий Қорасарой, унга туташ Зарқайнар кўчаларини бүгун таниш қийин. Қорасарой кўчасида автомобиллар учун қурилган қад рўстлаган меҳмонхоналар, савдо расталари, Зарқайнарнинг Эски жўва бозорига олиб чиқадиған тор ва узун кўчасидаги қадимий услубдаги таъмирлаш ишларидан ҳайратга тушади киши. Айниқса, мажмуа, ёндosh ишоот ва туташ ҳудудлар оқшом палласи чиқоқлар нурида алоҳида фусун касб этади.

Euronews телеканали Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига бағишланган, унинг ноёб меъморий ечимларини ёритувчи махсус репортажларини бир неча кун эфирга узатди.

“Ватан ҳақида қўшиқ”

Анча йиллар аввал, касбининг сир-асрорини тўлиқ англамаган давримда бир газетада худди шундай сарлавҳали мақола берилганди. Муаллифи ёдимда йўқ, лекин таниқли шоир ёки ёзувчи эмасди. “Ватан ҳақида қўшиқ” бирор шеър ёки қўшиқ таҳлили бўлса керак деган ўй билан мақолани ўқиниға киришганим ёдимда. Матнда назм, оҳанг, куй ва ижро ҳақида ҳеч қандай гап йўқ, лекин у шеър каби равоан ўқилар, ростдан ҳам қўшиқ мисоли ўзидан оҳанг таратар эди. Муаллиф мақолада Ватани, юрти, табииоти, урф-ода-тию одамларини мадҳ этган эди.

Бугун Тошкентнинг Эски шаҳар қисмига йўли тушган одам борки, ҳайратини яшира олмайпти. Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказидаги бунёдкорлик ишлари оддий сайёҳни ҳам, нуфузли делегация вакилларию давлат раҳбарларини ҳам оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали ўз таассуроти билан ўртоқлашишга

ундамоқда. Ушбу дил изҳорларини эса улардаги ҳарорат ва тафтуфайли Ватан ҳақида қўшиқ, бизнинг Ватанимиз ҳақида қўшиқ сифатида қабул қилиш мумкин.

Александр ВУЧИЧ, Сербия Президенти:

— Мен аввалроқ Ўзбекистонга келмай, катта хатога йўл қўйганман. Бу мамлакатта, албатта, келинг! Мен бу мамлакатга аввалроқ келмасдан жуда катта хатога йўл қўйганман. Иккинчигиз бўлдим, бу мамлакатни кўргани, албатта, келинг.

Сантьяго ПЕНЬЯ, Парагвай Республикаси Президенти:

— Ўзбекистон тарихи ҳақиқатан бекиёс. У беш минг йиллик тараққиётни қамраб олган улкан цивилизациядир. Бир миллатни англаш учун унинг тарихини билиш керак. Бу ерда эса тарих жуда бой. Инсоният тамад-дунига улкан ҳисса қўшган кўплаб илмий ва маданий ютуқлар айнан шу заминдан келиб чиққан. Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги тарихий мероси, илмий ютуқлари ва маданий цивилизациясидир. Масалан, алгебра ёки тиббиёт соҳасидаги илк мукаммал илмий асослар шу юртдан келиб чиққанини кўпчилик билайди. Мен бу таширфдан жуда руҳландим. Парагвай Ўзбекистон билан келгусидаги истиқболли ҳамкорликка тайёр.

Рана Ихсан Афзал, Покистон Бош вазири девонида савдо бўйича координатор:

— Бундай марказни дунёнинг ҳеч бир жойида қўрмаганман. Бу ерга қирган одам тарихнинг турли давларида саёҳат қилгандек бўлади. 3D сахналар, мультимедияли тақдиротлар ва илмий изохлар ўтмишини айнан кўз олдинизда жонлантиради. Ўзбекистон неча минг йиллик илм-фан меросини бир жойга жамлаб, замонавий талқинда намойиш эта олгани — жуда катта ютуқ.

Ўзбекистон — Покистон алоқалари айни пайтда янги босқичга кўтарилган. Савдо, транспорт ва дипломатик ҳамкорлик кўла-ми йил сайин кенгаймоқда. Икки мамлакат ўртасида тўғридан тўғри авиарейслар йўлга қўйилгани ҳам бу ҳамкорликка ёрқин мисол-дир.

Мита ТАНЖУНГ, Индонезия мусулмон ҳаж ташкилотчилари ассоциацияси раиси:

— Бу марказ Ўзбекистон цивилизацияси, тарихи, донишмандлиги ва маънавиятининг бутун жойибасини ўзида жамлаган. Ҳар бир бўлимдаги экспонатлар жуда қимматли. Мажмуадаги барча гузаллик, ажойиб маълу-мотлар, тарихий бойликлари кўриш — мен учун катта бахт. Ўзбекистонда қадимдан то

ҳозиргача бўлган бутун цивилизация мужас-самлигига гувоҳ бўлдим. Визуал зал, айниқса, Қазба қисмаси намойиш этилган бўлим катта таассурот қолдирди. Бу маскан индо-незиялик мусулмон сайёҳлар учун ҳам жуда муҳим. Келгусида биз ҳам Ўзбекистоннинг буюк цивилизацияси, тарихи ва мадания-тини янада кўп одам келиб кўришига ҳисса қўшамиз.

Муҳаммад ГАЗАЛИ, Индонезия умра ва ҳаж сайёҳлик агентликлари ассоциациясининг минтақалар раиси:

— Бу марказ нихоятда чиройли, қадимги цивилизация мероси замонавий ва илгор технологиялар билан уйғунлаштирилгани жуда ҳайратланарли. Унга кирганингизда гўё ўша даврга тушиб қолгандек, тарих саҳифалари қатида сайр қилаётгандек бўласиз.

Марказ музейида Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ҳамда Янги Ўзбекистон давлари шукҳи қолган. Менимча, бу жуда қизиқарли ва ўзига хос тажриба. Шу сабабли Индо-незиядаги юртдошларимизни ҳам бу масканга келиб, тош даврдан ислон динининг кириб келишигача бўлган тараққиётни ўз кўзи билан кўришга чорлайман.

Тахир ФАРООҚ, “Daily Ittehad” медиа гуруҳи бош муҳаррири:

Ўзбекистон ўз тарихини нафақат сақлаб қолган, балки уни янги авлод учун энг замонавий услубда жонлантириб бера оляпти. Ҳар бир залда илм бор, ҳар бир экспозиция ўтмишининг янги саҳифасини очди. Сўнай интеллект ва мультимедияли технологияларнинг бундай уйғунлиги тарихни янада чуқур англашга ёрдам беради.

Қуръон залидаги ноёб қўлёзмалар, буюк алломалар мероси, марказ концепциясининг изчил илмий асослангани ва маърифий руҳини алоҳида эътироф этиш лозим. Ислон цивилизацияси маркази — “тарихини жонлантирган, илм ва технологияни уйғунлаштирган ноёб хазина” бўлиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб қилиш зарур.

Муҳаммад бин СУЛАЕМ, Халқаро автомобиль федерацияси (FIA) президенти:

— Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан Президентига бу марказни ўз кўзимиз билан кўриш имконини бергани учун чин дилдан миннатдорлик билдираман. Бу ерда илгари ўзим билмаган кўплаб маълумотларни кўрдим. Менимча, бу Ўзбекистоннинг яширин хазинаси. Бу юрт дунёга ёйган илмий мерос ҳақида кўпчилик ҳали ҳам етарлича хабардор эмас. Қуръонга бағишланган залда асл

қўлёзмаларни кўрганим, йўқолиб кетган ёки турли йўللار билан бошқа мамлакатларга ўтиб кетган нодир манбаларни қайта жамлаш бўйича Президентнинг шахсий ташаббуси ҳақида эшитганим мени чуқур ҳаяжонга солди.

Бу маскан дунё миқёсида янада кенг тарғиб қилиниши керак. Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино каби буюк шахсларнинг илмий меросини глобал миқёсда намойиш этиш — бизнинг ҳам бурчимиз. Ўзбекистоннинг ислондан аввалги даврдан бугунгача бўлган тараққиёти, ислон маданиятига қўшган улкан ҳиссаси — буларнинг барчаси мени ҳайратга солди. Ёнг муҳими, бу маскан одамни асл ҳақиқатга қайтаради: тарихдан сабоқ олиб, дадил олға юриш керак деган ғояни беради.

Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Имом Термизий, Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино каби улуг зотлар жаҳон тараққиётининг пойдеворида айланган илмий ютуқларни яратган бўлса-да, бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида улар ҳақида етарли билим мавжуд эмас. Марказ фаолияти тарихий меросни глобал миқёсда тарғиб қилиш йўлидаги нихоятда муҳим ташаббусдир.

Жаля АЗИЗОВА, Халқаро Қизил Ярим ой жамиятининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий координатори:

— Марказнинг меъморий ечими, зал ва йўлақлар концепцияси, тарихий давларнинг босқичма-босқич очиб берилиши — жуда таъсирли. Ислондан аввалги ёдгорликлардан тортиб, Шарқ уйғониш давларигача бўлган жараёнинг бундай профессионал ёритилиши мени жуда илҳомлантирди.

Жулиан АНАНДА, Индонезия “Halal Tour” сайёҳлик агентлиги аъзоси:

— Ўзбекистондаги ислон цивилизацияси маркази — нихоятда ажойиб маскан. Бу ерда зулмат даврдан бошлаб олтин давргача, яъни ислон цивилизацияси шаклланган давргача бўлган бой тарих мужассам.

Мазкур улкан мажмуа Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган бўлиб, унинг архитектураси, дизайни ва мазмуни билан келган ҳар бир кишини ҳайратга солади. Ўзбекистонга келган меҳмонлар, албатта, бу масканда бўлиши керак. Чунки бу мажмуа нафақат гузал, балки чуқур маънавий ва тарихий мазмунга эга.

Билжана МИЛОСЕВИЧ, Халқаро Қизил Ярим ой жамиятининг Марказий Осиё бўйича минтақавий делегацияси раҳбари:

— Бу марказга илк бор келяпмиз ва чин дилдан тартиб керак: мен бу ерда кўрганларимдан ҳайратдаман. Экспозициялар нафақат илмий асосланган, балки жуда замонавий ва таъсирли тарзда ясалган. Интерактив бўлимлар орқали тарих қаърига тушгандек бўласиз.

Ёнг муҳими бу масканнинг инсоният мероси қадрини юксалтирувчи, тинчлик ва ўзаро ҳурмат ғояларини тараннум этувчи табаррук жойи эканлиги. Ўзбекистон халқига ва Президентига бундай улкан лойиҳа учун миннатдорлик билдираман.

Бу каби қуй ва оҳангга айланувчи самимий битиклар кишининг кўнгил тубидан чиқади. Зеро, марказнинг марказий маърифат маркази олдинга қўйилган муҳим вазифардан қўзланган мақсад ҳам шу — миллий тарихимизнинг янгиланган тимсолини яратиш ва ёш авлод қалбига юртимиз алло-маларининг ўлмас меросига юксак муҳаббат уйғотишдир. Ўз Ватанини севган, тарихи ва қадриятларини улуғлаган инсонларгина муносиб келажак давомчилари бўла олади. Уларни тарбиялашда эса Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг ўрни бекиёс.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
32015 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусахҳх: Маллоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй